

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Бир хонадон бор, афзал -
Минг битта кошонадан.
Бу хонадон ҳақида
Ҳавасим бир хонадон!
Оддий, одми хонадон -
Табассумдай чароғон,
Нур ёғар қалбингизга
Бошлабон останадан.
Бир дунё кичкинтойлар -
"Шумтака" - ширинтойлар,
Чикдилар чуғурлашиб,
Чикқандек дарсхонадан.
Ошди-ку хайратимиз,
(Тоширди ғайратимиз!)
"Наҳотки шунча жужук
Битта ота-онадан?..."
Бол бор ерда - болари-
Кўшиллар экан бари...
Мазахўрак бўлишган
Текин "кулгиҳона"дан.
"Латифа"-ю "Ҳа-Ҳа-Ҳа!"
Излаб ханда, қаҳқаҳа,
Кунда бу хонадонда
Бойир шу бахонадан.
Кундан кун яшнаётир
Оилавий театр -
"Меҳржон" завқ улашгай
Тер тўкиб пешонадан.
"Афанди ва болалар",
"Бойчечак ракси"... булар -
Шу театр меваси -
Ижодий нишондан.
Ҳамма артист - ижрочи,
Йўқдир бунда бекорчи,
Билиб олдик буни биз
"Олтин тож" - Райхонадан.
Бу Жаҳонгир - "Афанди",
Шу оиланинг дилбанди.

ҲАВАСНОМА

Тошкентдаги Орифжон Шаҳобиддинов бошлиқ "Меҳржон" —
Оилавий театр ижодкорлари шарафига дил сўзим



Абдувоҳид Мавлонов олган сурат

ОДАМИЖОН-ОДАМЛАР

Ҳамма шод, ҳамма хурсанд
Хушчақчақ ҳамхонадан.
Бу қиз - Ойхон, ҳўб маъсум,
Доим баҳорий мавсум,
Кўпчилик ҳавасдадир
Кулгуси бийронадан.
Зулайҳо қиз уч ёшда,
Театрда қуёш-да!
Кулгусидан улашди
Бизга ҳам "Бир дон"дан.
Устоздир Ориф ханда,
Меҳрини қилмас канда,
Шогирдлар келиб турар
Андижон, Фарғонадан.
Уй нақши - Меҳрбону,
Эзгулик тани-жони,
Барча бирдек миннатдор
Жонсарақ парвонадан.
Бу кулгу кўчатлари,
Бўй чўзиб ўсган сари,
Юртга кулгу-нур тўлар,
Гул очиб ҳар шонадан.
"Ҳар ким савоб иш қилсин -
Ҳар кун савоб иш қилсин"
Қувват олгай оила
Бу ҳикмат - дурдонадан.
Болажон юртбошимиз,
Шундан кўкда бошимиз.
Ибрат олайлик дўстлар,
Куйинчак мардонадан.
"Оила ва жамият"
Бериб илҳом-кайфият,
Бир лавҳа битди Тўлан -
Чикди босмахонадан.

Тўлан ТАБАССУМ

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР КўЗГУСИДА

● "Ўзбекистон" нашриётида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Хушёрликка даъват" номли китоби кўп минг нусхада чоп этилди. Юртбошимиз мазкур асаридан кескин сиёсий жараёнларни ўз бошидан кечираётган жамиятимиздаги ўзгаришлар, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ички ва ташқи кучлар, тинчлик, бунёдкорликни асраш йўлидаги вазифалар ҳақида фикр юрताди.

● "Ҳаким ат-Термизий" номи етти қисмли бадиий-оммавий, публицистик ҳужжатли фильм тақдими охири бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий ва фахрий аъзолигига навбатдаги сайлов ўтказилди. Унда қатнашган 23 нафар номзоддан етти нафари - Бахтиёр Бобоев, Йигитали Турсунназаров, Маннон Саидов, Леким Ибрагимов, Шаҳноза Мўминова, Абдураҳмон Умаров, Ортиқ Файзуллаев академия аъзолигига сайландилар.

● 7 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислоҳ Каримов бошқарди. Мажлисда Қуролли Кучлар ва чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши, республикамиз ҳудудининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масалалар қўриб чиқилди.

● "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси Аёллар йилига бағишлаб "Туркистон" саройида "Санъатим сенга баҳишда, халқим" концерт дастурини ўтказди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломов сўзга чиқди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 9 июл куни Оқсаройда Қирғизистон Республика Бош вазир Омонғелди Муралиевни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, бу борада зарур чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш, ўзаро сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазир У.Султонов ва Қирғизистон Бош вазир О.Муралиев иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлди.

● "ИЛ-114" мустақиллик йилларида Ўзбекистон авиасозлари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий, тежамкор самолётлардан биридир. Йўловчи ташиш учун мўлжалланган ҳар томонлама қулай, компьютерли бошқарув тизимига эга бўлган ушбу ҳаво кемаси бир гуруҳ наманганликларни манзилга етказиб, мунтазам қатновни бошлади.

● Вазирлар Маҳкамасида Маънавият-маърифат республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Маънавият-маърифат

республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, бу борадаги ишларни амалга ошириш учун Ташкилий гуруҳ тузиш ва унга бир ой муддат ичида Кенгашнинг таркибий тuzилиши, фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари ақс этган Низом ва Дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Маънавият-маърифат республика кенгашининг таъсис конференциясини 1999 йил 10 августга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди. Маънавият-маърифат республика Кенгаши тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов тайинланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

Менинг уч фарзандим бор-икки ўғил, бир қиз. Ҳали мактабда ўқишади. Уларнинг буй-бастига қараб кўнглимда қувонч туюлган. Бўйлари тобора ўсиб, ақлу-хушлари тўлишиб келаяпти. Фарзандларим бахту саодатини кўрсам, қувонсам бу дунёда армоним қолмайди, деб ҳар гал кўнглимдан кечираман. Умримнинг бирон лаҳзаси ҳам уларнинг фикру-хаёлига ўтмайди. Ўзим ишхонада ё кўча-қўйда юрсам ҳам юрагим жизиллаб туради. Уларни ўйлайман- "қандай юришибдйкин?", "нима қилиш-яптикин?", "қоринлари очқамадимикин?", "ёмон болаларга қўшиммади-микан?", "Дунёда энг аввало тинчлик барқарор бўлсин. Шундоқ тинчлик-товулик бўлса-барча қийинчиликларни енгамиз. Яхши ҳаётга эришмоқ учун жон-дилимиздан ҳаракат қилайлик, интилиб-изланиб яшайлик. Танбаллик, лоқайдликни ўзимиздан узоклаштирайлик. Ўз отамиздай меҳрибон, иссиқ чеҳрали, донишманд юртбошимизнинг қадрига етайлик. Куйиниб, чин дилдан айтган ўғитларига амал қилайлик, хушёр бўлайлик, шу гўзал турмушни кўз қорачуғимиздек авайлаб-асрайлик..." Баъзи ота-оналар ўз бурчларини нима қилиб бўлса ҳам хондондаги қора қозон қайнаб туриши-ю, болаларини уст-боши бут бўлишида деб тушунишади. Турмушда булар ҳам албатта керак. Лекин фақат шулар билангина бурчимизни бажарган бўламиз, дейилса кечирилмас хатога йўл қўйилган бўлади. Фарзандларимиз тўла қонли комил инсонлар бўлиб етишишлари учун саъй-ҳаракат қилишимиз лозим.

Фарзандим кичкиналигида касалхонада ётганимизни бот-бот эслаймэн. 4 ёшлар чамасидаги болача ҳам биз билан палатадош эди. Уни уйдагилар-онаси, бувиси, бобоси кун бўйи навбати билан кўргани кели-

шарди. Ҳар куни тонг саҳарда, бувиси кириб келарди. Энг аввало кийим-бошларини, тўшакларини алмаштиради- кийим бошлар хлорли сувда қайнатилган, дазмолланган бўларди. Сўнг болани овқатлантиради-егулик албатта янги пиширилган, албатта творогли (жигарга озук дειишарди), компотли ва ё мева-чевали бўлар эди. Сўнг ярим соат-бир соат болага албатта китоб ўқиб берарди, шеър ёдларди, ҳисоб машқларини бажартирарди. Расмлар чиздирадди "Сен энг ақли,

гаримиз... Лекин бизга ўлчаб берилган умр давомида имконият, куч-қувватимизни чамалаб кўришимиз, ҳаётимизни режалаштиришни ўрганишимиз, сонни эмас, сифатни кўзлашимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикр. Қизу ўғлимизни оилали қилишдан олдин энг аввало уларни касб-хунарли бўлиши ҳақида қайгурайлик. "Қизим 17-18 га кирди, тезроқ эрга бериб юбормасам қариб ҳаётдан орқада қолади", демайлик. Қизларимиз ҳақида, келажаги,

жага етмагунича шоширмайлик...

Менда бу ўй-фикрлар қачон пайдо бўлди? Албатта феврал воқеалари ҳаммамизнинг кўнглимизда бир умрлик из қолдирди, деган фикрдман. Ахир бу машҳур воқеаларни ўз фарзандларимиз содир этишди-ку... Оруз-умид билан дунёга келтирган, машаққату заҳмат чекиб ўстириб тарбиялаган, мактабларимизда ўқитиб фарзандларимиз... Ўз юртига-халқига қўл кўтарган жиноятчилар... Йўқ, бу воқеалар энди бундан сўнг бизга сабоқ бўлсин. Президентимиз таъкидлаганларидек энди ҳаётга хушёр назар билан боқайлик, дунё ишларидан огоҳ бўлайлик, азизлар. Мен ёдлаб олганим Президентимизнинг мана бу сўзлари билан фикримни яқунласам...

"Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга энг масъулиятли касб нима деб сўрасан, мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, ота-оналик, мураббийлик деб айтган бўлардим. Нера деганда бунинг масъулиятини, бунинг оқибатини тушуниш, англаш керак. Жамяят кишилари ўзининг эртанги кунини қандай тасаввур қилади? Биз авваламбор, ўсаётган фарзандларимиз, мана шу воқеага етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак..."

... Икки-уч машина, ҳашаматли иморатларга эга, кийиниши зўр, савлатидан от хуркадиган одам бой эмас. Мендан энг катта бойлик нима деб сўрасан, билимли, ақлли, одоли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлар эдим. Бундай бойлик эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тана олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди..."

Ноҳира САЛОХИДИНОВА, Самарқанд, Бибибора ТУРОБОВА ёзиб олди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ЖОН ҚОЙИТМАСАК...

энг зўр боласан", -дея мактаб кўярди. Улар яна бирга шахмат ҳам ўйнашарди. Туш пайтида онаси, кечкурун бобоси келишганда ҳам худди ана шу амаллар яна такрорланарди... Уларга қараб ҳавасин келарди менинг. "Тоққа чиқмасанг дўлона қайда?" -деганларидек ҳар бир фарзандимиз учун жон куйдирсак унинг соғлиғи, ўқиш-ўрганишига куч-қувватимизни аямасак ҳаётимиз нечоғлиқ гўзал ва фаровон бўлиб, гуллаб-яшнаб кетмасиди? Биз серфарзанд халқимиз, ҳар бири ҳақида ўйлашга имконим, вақтим йўқ, дейиши ҳам анрак. Ва бу борада сиз ҳақсиз. Биз ҳаёт қурарканмиз, "Етти ўлчаб бир кес", -деган доно мақолга амал қилишимиз керак, деб ўйлайман. Фарзанд ҳақида гап кетаркан. "Унта бўлса, ўрни бошқа", -деган нақлни ишлатамиз. Тўғри, фарзанд кўзимизнинг оқу қораси жи-

касб-кори ҳақида кўпроқ фикр юртайлик. Энг аввало ўқисин, бир ишинг этагидан тусин, ҳаётда ўзининг мустақкам таянчига эга бўлсин. Ахир қалқиб, ўзгариб турган бу ҳаётнинг аёлона зихмасига қўлайдиган масъулиятни энг яхши оғир, машаққатли. Аёл турмушининг минг бир машаққатлари қаршисида заифа бўлиб қолмасин, ўзи учун ўзи жавоб бера оладиган руҳан кучли инсон сифатида камол топсин.

Ўғилларимизни эса Ватани, хонадонни, аёли, бола-чақаси учун қалқон бўла оладиган тарзда тарбиялайлик. Юриштиришига кўз-қулқ бўлайлик, тарбияда меҳрибонлик ва қаттиққўлликни меъёридан ошириб юбормайлик. Турмуш машаққатларидан кўнгли зада бўлиб, эгилиб-букилиб қолмасидан бурун у рўзгорни тортишга лаёқатлими, зарур маблағни ишлаб топишга қуввати етадимми-йўқми, ота бўлиб фарзандларини тарбиялай оладими? -Энг аввало шу ҳақида ўйлайлик. Кўзимиз етса оилави турмушига оқ фотиҳамизни берайлик. Бўлмаса, ўша дара-

ХУШЁРЛИК

Телевидениеда "16 феврал воқеалари" хужжати фильми намойиш этилди. Дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Лекин ҳаётда шундай воқеалар бўладики ҳеч қачон унутилмайди. Феврал воқеалари қалбимизда бир умр қора доғ бўлиб қолади. Одамзод ҳар бир гапини ўйлаб айтиши, ҳар бир қадамини ўйлаб босиши керак. Феврал воқеалари иштирокчилари устидан суд ўз ҳукмини чиқарди. Бировлари ўлимга маҳкум этилди, бировларига қамоқ ҳазоси берилди. Лекин шу одамлар ўзини қилган иши нақадар катта гуноҳ эканлигини дилдан ҳис этишдими? Фарзандларимиз қайтиб бундай хато иўлларга кириб

қолмасликлари учун нима қилишимиз керак?

Мен бу борада шундай фикрдаман.

Ўзимиз яшайдиган юртин, мусоффо осмонни, заминни, ота-онаю фарзандларимизни асрайлик. Келажакда эса фарзандларимиз шу она заминимизни асрайди ва авайлайди. Кимки еру осмонни, ўз юртини асрамаса худоям, бандам асрамайди. Ҳар

Тўғри йўлдан адашмайлик

бир инсон Оллоҳ олдида, халқи олдида инсонийлик бурчини қилган яхши амаллари билан оқласин. Ҳалол меҳнат ва тўғри сўз, тўғри йўл ҳеч қачон одамни йўлидан адаштирамайди.

Матлуба АБДУЛЛАЕВА, Тошкент. Мирзо Улугбек тумани.

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармасида Халқро Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда "Жамиятни демократиялаштириш шароитида матбуот эркинлиги" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ёш журналистларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва илгор мамлакатлар журналистикаси тажрибаси билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Семинарда "Инсон ва қонун" журнали Бош муҳаррири Ф.Қиличев Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари матбуот эркинлигини таъминлаш тарови экани, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раиси А.Қаримов Оммавий ахборот воситалари демократик жамият асоси эканлиги матбуотни фикрлар минбарига айлантириш борасида мамлакатимиз раҳбарияти кўрсатаётган чора-тадбирлар хусусида маъруза қилди.

Анжуман сўнгида қизқарлик баҳс-мунозаралар бўлди. Ф.Эберт жамғармаси томонидан тайёрланган фильм намойиш этилди.

Ойдинора РАҲИМБЕРДИЕВА

"БУТУНЖАҲОН АҲОЛИШУНОСЛИК КУНИ"

Ҳар йили 11 июл куни БМТ доирасида "Бутунжаҳон Аҳолишунослик куни" кенг нишонланади. Шу сабабли, кўшма лойиҳа доирасида 9 июл куни БМТ ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида оммавий ахборот вакиллари иштирокида бир кунлик семинар уюштирилди.

Унда Ўзбекистон демографиясининг ҳозирги аҳоли, муаммолари хусусида фикр алмашилди. Семинарда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили К.Соколов, ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн нутқлари тингланди. Урашув давомида бир қанча мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

Н.РАҲМОНОВА.

ЁЗ — ЎЙМОҚДА СОЗ

МИНГЛАБ фарзандларимиз сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олишмоқда. Ҳўш, умумий соғломлаштириш масканларида болажонларга қандай шарт-шароитлар яратилган? Оромгоҳдаги маънавий-маърифий ишлар қай йўсида олиб борилмоқда? Болажонларнинг яйраб хордик чикаришлари учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Худди шу саволлар бизни Тошкент шаҳар Халқ таълими вазириликка қарашли "Лочин" болалар умумий соғломлаштириш масканига етаклади. Оромгоҳ бошлиғи М.Пак сўхбат чоғида бизларга қуйидагиларни гапириб берди:

- Оромгоҳда Халқ таълими соҳасида ҳамда олий ўқув юртрларида фаолият кўрсатаётган ўқувчи- педагогларнинг 367 нафар фарзандлари дам олишмоқда. Умумий соғломлаштириш масканида болажонлар 18 кун давомида мириқиб хордик чиқаришади. Ҳар куни оромгоҳ шифокорлари назоратидан ўтишади. Тарбиячилар, етакчилар ҳамкорлигида масканда дам олувчилар ўртасида турли хилдаги спорт ва ҳаракатли ўйинлар, қизиқари кечалар, викториналар ташкил этилади.

- Аини пайтда, - дея сўхбатни давом эттиради оромгоҳ бошлиғи ўринбосари М.Азимов. Болалар ёзда дам оляпти деб уларнинг маънавиятини ёддан чиқармаслик зарур. Оромгоҳда маънавият-маърифат хониси бор. Болажонларга айнақса, шеърый асарлар, кундалик газета-журнал-

ларда чоп этилаётган ранг-баранг мақола-лар манзур. Шунингдек, "Мустақиллик-менинг ҳаётимда", "Мустақил юрт фарзанди" у қандай бўлиши керак?" викториналари ҳам болаларда катта таассурот уйғотди. Бу викториналарда юртбошимизнинг асарларидан кенг миқёсда фойдаланаямиз.

Шу маҳалгача тарбиячиларни қўйиб келаятган муаммо-тушлик ва кечки овқатдан сўнг қўлгина болалар ўз вақтида ухлашни



хоҳлашмасди. Бу борада тарбиячиларимиз яна қадриятларимизга, момоларимиз урф-одатига амал қилишдик. Уларга қизиқарли, баъзан топишмоқ, эрталар айтиб жажжи болажонлар кўнглига йўл топишди. Ҳозир ана шундай маърифат эртак, ривоятлар тасъирда ўйинқароқ болалар ҳам анча одоли бўлиб қолишган. Қизиги шундаки, болажонларнинг "эртакчи момолари" моҳир педагоглардир.

- Анча йиллардан буён турли хил оромгоҳларда ишлаб келаман. Шу боис, болаларнинг дилига йўл топиш мен учун мушкул эмас, - дейди оромгоҳ бош етакчиси

ХОТИРА-МУҚАДДАС

УЛАР ЎТ ЭДИ, ОЛОВ ЭДИ...



Шарофат НОРБОВЕВА

- Ўзбекистон Олий Мажлис депутаты, Сурхондарё вилоят ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Хонадонингизда эмас, майли укангизниқиди, майли акангизниқиди майиздайгина муштипар онангиз бўлса-сиз ниҳоятда бадавлат одамсиз. Дунёнинг аллақайси бир бурчида бўлсада, сизни беминанат, бетаъма бир меҳр билан суйгучи, Оллоҳдан сиз учун маърифату раҳмат сўрагувчи онангиз бўлса-сиз ниҳоятда саодатманд одамсиз.

Онагининг исмлари Ойнабот эди. Исмнинг илоҳий эканлиги қанчалар рост бўлса, онагининг ойдек сўлим, новотдек ширин эканлиги ҳам шунчалар рост эди.

Отамиз ўз даврининг фаол кишиларидан бири бўлган. Аввал мактабда, сўнг турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Онагинам отамизни кутиб, кузатиб, хизматларини қилиб, фарзандларини туғиб-тарбиялаб уйда ўтирганлар. Етти ўғилнинг орасидаги ёлғиз қиз-қамина олтинчи фарзанд эдим. Бундан хулоса қилиш мумкинки, рўзгор ишлари асосан ёлғиз онанинг зиммаларида бўлган. Аммо кунора бир тандир нон қилинадиган рўзгорда ҳар тандирда албатта ноннинг ёнига иккита қатлама патир қилинар эди.

Эрталаб туриб, аввал кўзимиз гишт печ атрофида лойларни ювилиб, ёғланиб, тумшугига пахталар тикиғлик ҳолда қатор тизилиб турган пойафзалларимизга тушар эди.

Ховлидаги супачада тизилиб турадиган офтобаларга эса илқина сувлар тўдириб

қўйиларди.

Энди "онам" десак, ўша қатлама патирлар, мактабга борганимизда ҳам тафти кетмай турадиган пойафзаллар, уйкули юз-кўзларимиздан авайлабгина хобини сидиргуччи илиқ сувлар... ёдга тушади. Шунда... Мен-ку, аёл кишиман, эндиликда ҳар бир саккиз-тўққиз фарзандли бўлган акаларимнинг кўзларидан ҳам тирақаб ёш чиқиб кетади.

Сурхондарёда келинлар удум бўйича ҳурмат юзасидан қайнона-қайнотаси, эри ва қайин-бўйинларининг исмини айтмайди. Онагинам эса етти келинли сардор хотин келинларининг исмини айтмай ўтиб кетди. "Болажон" дер эди ҳаммасини. Кувёлларини ҳам "сиз" билан ўтиргизиб "Сиз" билан тургизар эди-ю, аммо ҳамма қандайдир ҳайкиб турардилар. "Кувёнинг деви бўлади", дердилар.

Бир қарасанг, барчамиз учун ниҳоятда ҳокисор хизматкор эди, яна бир қарасанг, ниҳоятда қаттиққўл тарбиячи эди. Нон пишириш имкони бўла туриб дўкандан нон сотиб оладиган аёлларга ғаш келарди:

- Тани қизиб, тандирга кирмаган, бети куйиб нон ёлмаган аёл "онаман" демасанг бўлавереди. Аёлнинг меҳри боласининг қалбига сутидан сўнг шу нони билан кирмаса, нима билан киради,- дердилар.

Болаларингга харом лўқма едирма, бадбўй нарса ҳидлатма, хунук, ёмон нарса кўрсатма,- дер эдилар.

Ўзлари эса бир умр шу кўрсатмаларига амал қилиб ўтдилар.

Шундай катта рўзгорда тўзғиб ётган жой ёки ювқисиз паша айланиб турган қозонтовок, йиғилмай ётган ўринтўшақни умуман кўрмаганмиз. У замонларда бугунгидай ошхона мебеллари йўқ эди, шу боис онагинам чанг кўнмасин деб, ҳамма идишлари учун, ҳатто манти қозон, кастриюлкалар учун ҳам махсус халталар тиккан эдилар. Чой куйиб ўтирган чойнақларининг оғзига ҳам пахта тикиғлик турар эди. "Она-

жон, чой ичиб ўтирибмизку, тиқин тиқиб нима қиласиз" десам, "Бирон хашорат пашорат кириб кетадими, индама, шундай турсин", дерди.

Ўзимиз гўштсиз овқат еб қолишимиз мумкин эди, аммо меҳмонга ҳеч қачон гўштсиз овқат қилинмас эди. Ённинг тагида "меҳмон ҳаққи" деб тўрт бўлак гўшт ҳаммаша сақланиб қўйиларди. Баъзан кутилмаганда келиб қолган меҳмон тўкин дастурхон, хуштаъм таомлар билан кузатилгач, отам биров ҳайрат, андақ миннатдор оҳангда:

- Шунча нарсани қаердан топдинг? Қўшнилardan қарз олдингми,- дер эдилар.

Аммо яхши билар эдиларки, бизда бўлмаган нарса қўшнилarda ҳам аниқ бўлмади. Меҳмоннинг иззатиға аёлининг саришталиги, донолиги бирла етилди...

Онам отамнинг саволига жавобан на мактанарди, на нолирди:

- Топдик-да. Узумини енг, боғини суриштирманг,- дея қуярди.

Бизга:

- Ха деб "Йўқ-йўқ" деяверманлар, бор нарсани-ку бордек қилиб қўшилларинг шарт, аммо йўқ нарсани йўнган тежамкор аёллар бўлади. Кутбаракана ана шундай аёлларнинг рўзгориди бўлади,- дердилар.

Бойнинг мол-у дунёси азиз, камбағалнинг боласи азиз, деганлар. Ўнлаб омочи бўлган бойнинг бир омочини синдирган қарол балога қолган, аммо камбағал одамнинг тутиб ўтирган ягона чойнагини боласи синдириб қўйса, "болога тегинманг, нарса боладан азиз бўптими?" дейилади. Шундай бўлгач, ҳеч замонда камбағалнинг бири икки бўлиб бой бўлардимми? Одам қўпична нодон бўлгани учун камбағал бўлади. Бой бўлиш учун фақат зикна бўлиш эмас, энг аввало ақли бўлиш керак.

Булар бор-йўғи б синф маълумоти бўлган, "кўча, бозор" деган жойларни умуман кўрмаган онагинам фалсафаси эди.

Турмушга чиққанидан кейин ота уйи, она бағри бетимсол оҳанграбога айланади. Айниқса

мендек ёлғиз ўсган эрка қиз учун!

Қайнонам ва эримдан амалтақал қилиб, бир кечага жавоб сўраб борар эдим.

Учиб!..

- Онажон, мен бу кеча ётиб кетаман!- дердим нафасим бўғзимга тикилиб.

Онам совуққина бош чайқардилар:

- Нима қиласан ётиб? Мен бир таом бўлсам экан, кечаси билан еб ётиб тўйсанг. Меҳрга тўйиб бўладими? Мана кўрдинг, ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Энди уйингга кетавер. Кечкурун иш кўпаяди, қайнонанг қийналиб қолади.

Ўзлари борганларида ҳам қайнонамнинг ёнида ётиб, қайнонамнинг ёнидан қайтиб кетар эдилар. Она бўлиб, "Ҳой болам, жонингдан қандай иссиқ - совуқлар ўтаяпти?" деб аҳвол сўрамаганлар. Ўшанда онамнинг бу қилиғи малол келган бўлса-да, энди бу муомила меннинг шу рўзгорга астойдил кўнгил қўйиб кетишим учун қилинганлигини тушуниб етдим.

Қайнонам ҳам мен учун бир мактаб бўлдилар. У кишининг асл исмлари Қизларжон момо эди, аммо қишлоқ ахли хурмат билан "катта эна" деб чақирарди. Ўзлари жуда ақлли, уддабурон, аммо ниҳоятда қаттиққўл, қаҳрли аёл эдилар. Қаҳрларига дош беролмай, кўз ёш қилган пайтларим кўп бўлган. Баъзан турмуш ўртоғим "Сиз Шарофатга нима иш буюрсангиз уришмасдан буюринг, уришмасангиз ҳам қилади-ку. Бу оилада эрка ўсган",

- деса, "Сенинг ишинг бўлмасин", - дер эканлар. Аммо бир куни "бу уришганларим хотинингнинг ўзига фойда. Бўшанг одам оғзидиға ошини олдириб, оёқости бўлиб ўтиб қетади. Мен бунни сал қотайсин, даяпман",- дептилар. Ўзимга ҳам "Болам, бундай бўшашиб юрма, юрганингда қадамингдан ўт қақнасин. Гап айтсанг, кесиб-кесиб айт, айтирли гапинг бўлмаса, жим ўтир", - дердилар.

Қайнонам катта бир қишлоқнинг қайвониси эдилар, у киши нима десалар, ҳаммага маъқул тушарди, у кишининг бирон гапи икки қилинмас эди.

Қайнонам 1988 йили 76 ёшда кетдилар. Кетишларидан олдин тўрт-беш ой тобларни қочиб ётдилар. Ётган жойларида мени кўп дуо қилдилар. Ўтган йиллар давомида онамдек азиз бўлиб қолган бу инсонни сўнгги йўлга кузатиш кўп қийин бўлди.

Онагининг бир гаплари бор эди: "Отадан кўрган ўк йўнар, онадан кўрган тўн бичар".

Қишлоқчилик, уйимизга ҳали у, ҳали бу киши келади. Рўзгор тутиш-у, муомиламда биров онамга хос бир фазилатни пайқаса, биров қайнонамга хос бир одатни учратади.

-У, ў!.. У кампирлар ўт эди, олов эди, - дейишади армон билан.

Мен бош ирғайман. Томоғимга аччиқ бир хўрсиниқ тикилади.

Улар ҳақида ёзмок, уларга муносиб сўз айтмок ниҳоятда қийин.

Сухбатни
Жамила ЭРГАШЕВА
ёзиб олди

ТАНИШИНГ :

Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбиримиз - **Жамила ЭРГАШЕВА**

Жамила ЭРГАШЕВА - истеъдодли ёзувчи, қатор насрий китоблар муаллифи. Билимдон журналист.



Сурхондарё вилоят хотин-қизларнинг "Аёл ва замон" газетаси бош муҳаррири. **Жамила Эргашева** жонанжон юрти Сурхондарё водийсидан ўқилмишли қизиқарли мақола ва лавҳалар йўллаб муштарийларининг эътиборини қозонади, деб ишонамиз.

АЁЛ МИЛЛАТ ФАХРИДИР

Қадим-қадимдан шарқ мамлакатларида аёл шавни, иффа ва номуси муқаддас ҳисобланиб келган. Мозийда бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Дунёдаги энг яқин кишиси бўлган рафиқасининг умри поёнига етаётганини сезган Бобурийлар сулоласининг намоёнаси Шоҳ-Жаҳон дард ва алам билан: "Маликам, айтинг, ҳар не истагингиз баҳо келтирурмен", - дейди. Шунда Мумтоз бегим эрининг ёш қалқиб турган меҳрибон кўзларига сўнгсиз муҳаббат ва мунгли илтижо билан термулиб, учта нарсани: ундан кейин бошқага уйланмасликни, фарзандларига меҳрибон бўлиш ва ўзининг хотирасига муҳташам бир бино барпо қилишни ўтиниб сўрайди. Шоҳ-Жаҳон унинг барча васиятларини адо этади.

Бугунги кунда опа-сингилларимиз турли соҳаларда меҳнат қилиш билан бирга ҳукумат томонидан яратилган имкониятлардан кенг фойдаланмоқдалар. Жамиятимизда аёлларнинг тутган ўрни оксалтиришга қаратилаётган эътибор, оналик ва болаликни муҳофаза қилиниши, махсус муассасаларнинг бу борада олиб бораётган хайрли ишлари бунга мисол бўла олади.

Юртимиз аёллари билан ривожланган давлатлар хотин-қизларининг маънавий, иқтисодий ва эркинлик салоҳиятини қийслаганда, муҳтарам муносибларимиз ҳар жиҳатдан уларга намуна бўла оладилар. Мен дунёнинг қайси чеккасига бормай ана шундай фидойий аёлларимиз билан фахрланаман.

А. ТҲУТАСИНОВ

НАВОЙНИ ИҶРОГА

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

Шоирлар ёмон шеърни ҳам ўз истеъдодлари фарзандидек яхши кўрганлари каби одам боласи ўз хатосини ҳам маъқул билдади ва ёмон хулқли фарзандини ҳам одобли санайди. Бу-ҳар иккиси ҳам инсон табиатиға хосдир. Зеро, бу иккаласи ҳам - унинг ўзи яратган нарсадир... Фақат оқил одамларгина бу жиҳатлари ўзларига одат қилмадилар...

Бачканалик қилгучи қария-балоғатга етмаган болога ўхшайди. Қичқ ёш-дарталар катталар қилигини қилса, бу унда ақл ҳамда уят йўқлиғига далилдир. Эрка киши ўзига ортқ даражада зеб бериб ясан-тусан қилса, ақли одамларнинг назаридан тушади...

Бой одамнинг бўз чопон қийгани-камбағалнинг атлас чопон қийганиға ўхшайди. Билиб қўй: хўжайин, суюкли хотини бўла туриб, чўри қизга айланмиша, хотинининг ифбатли эҳтигани останадаги қул булғайди.

Илм олиб, унга амал қилмаган киши-ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб ҳосил кўтармаган кишиға ўхшайди.

Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтказиб қўйиб, уни мулзам қила бош-

ласа, билки, бу олимлик учун ҳақоратдур. Илло, гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмайдилар.

Маст одамнинг сўзига жавоб бериш - ақли одамнинг ишмаси.

Маснавий:

Кесак отганга ким мушт кўтарди, Соқоли юлиниб, чопонсиз қолди.

Зўр душманинг мағлуб бўлса-шодланма. Ҳадеб ҳазил қилаверишдан хурматсизлик ортади: бундай ҳазилнинг охири жанжалга олиб келади. Ва кўп ҳазиллашиш -номусу ҳаё пардасини чок этади.

Қариялар касб-хунар қила олмади муҳтожликка тушиб қолсалар, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил. Лекин тиланчи йиғит кетмон чопа олса-ю, қўлини чўзса, унга эҳсон қилмок - исроф қилмокдир.

Ҳар бир давлатманд одам тирикликда хайр-эҳсон қилиб, кишиларни хурсанд этмаса, ўлганидан кейин ҳеч ким уни дуо билан ёд этмайди. Эҳсон-тирикликда яхши ном қолдирмок тарадуидир.

Филология фанлари номзоди
Сайёра Холмирзаева
тайёрлади.

Езёвон туманидаги 2-ўрта мактабда бошланғич синфда ўқирканман Санжар исмли бола билан яқин дўст эдик. Санжар болалардан нимаси биландир фарқ қилар, билимдонлиги жуда сезилар эди. Биз бир-биримизга ўрганиб қолгандик. Бирга мактабга қатнаймиз, бирга ўйнаймиз, гоҳи-гоҳида бирга кўй боққани чиқамиз.

- Абдуҳамид, юр бизниқига бир ўйнаб келамиз, - деб қолди Санжар дарсдан кейин.

Биз кўп қаватли биноларда турганимиз учун менга ховли-жой, паст уйлар жуда ёқар эди.

- Хўп, - дедим мен дарров.

Икки ўртоқ гурунглашиб аста-секин уйлариға ҳам етиб келдик.

- Бу ким? - сўради қотмадан келган буғдойранг, мўйловли, қўллари трактор, пахта теришдан қавариб кетган бир киши. Кейин билсам, бу Санжарнинг дадаси Норқобил ака экан. Санжарнинг отаси колхозда ишлар, онаси Фотима ая теримчи экан. Улар оилада беш фарзанд бўлиб, уч қиз ва икки ўғил эдилар.

- Бу мени ўртоғим - дадасига эрқаланди Санжар.

- Ҳа, яхши, ундай бўлса бор, молларга хашакми, бедами бериб қўй, ҳали аканг ўқишдан келмабди, - жержиб берди дадаси.

Санжарнинг айтишича дадаси кўп ичар, уйга келиб жанжал қилар, пули тугаса, ҳатто хотинидан пул олиб ичар, шунчалик тубанликка ботган экан. Кўпинча Санжарга "сен мени болам эмассан", деб ҳақоратомуз сўзлар айтиб, ҳатто бўйи етиб қолган қизларини ҳам аямасдан уятсиз сўзлар билан сўқар, у ҳам етмагандек, болалари кўз ўнгида хотинини уради.

Нима бўлдию, Санжар мактабга

чиқмай қўйди. Ўқитувчимиз уни холидан хабар олинглар, деб тайинлади. Мен уйга кетаётиб, уларни уйлариға кириб ўтдим. У касал бўлиб, иситмаси кўтарилиб, қайд қилаётганди. Мени кўрдию, бироз енгил тортиди. Санжар билан озгина суҳбатлашдик.

- Нима бўлди сенга, соп-па-соғ эдингку?

- Ўтган куни дадам ўртоқлари билан чойхонада ўтириб, роса ичишган, дўстлар гурунги жанжалга айланган. Дадам ҳар галгидек аламини уйдариларидан олди, - деди Санжар зўрга

ганди. Биз қолган картошқаларни териб, олов ёқиб, чўғига кўмиб, пишириб едик. Шунда молларни қўйиб юбориб ўзимиз салқин жойда майсалар устига ағанадик.

Санжар аста гап бошлади, - Абдуҳамид ҳеч дунё ҳақида ўйлаб кўрганмисан, келгуси ҳаётимиз ҳақида, фикрлаб кўрганмисан? Мен катта бўлиб ким бўламиз- судьями, докторми, ўқитувчим, ҳайдовчим ким бўлишимиздан қатъий назар, халқим деб ёниб ашайдиган инсон бўлиб улғайишимизни истардим.

ТАҚДИР



гапириб.

- Даданг сени урдими? - аста сўрадим мен?

- Йўқ, - деб кўзларини олиб қочди Санжар. У тузалиб мактабга ҳам чикди. Санжар адабиёт, тарих фанларини севиб ўқир. Келажакдаги орзулари жуда катта эди. Биз у билан биргаллашиб буғдой ўрилган даладарда мол, қўй боқардик. Бизнинг ҳам сигиримиз бор эди. Ҳар галгидек, у билан далага молларни ҳайдадик. Ўша куни даладарда пишиб етилган картошқаларни териб олиш-

Отамга ўхшаб ичиб, кўчаларда юмалаб, кимларнингдир оёғи остида ўралашиб яшаб юришни истамайман. Инсон учун бундан-да ортиқ ҳақорат борми?

Мен бу гапларни эшитарканман, ким гапирётганига ҳали ҳам тушуниб етолмасдим, чунки мен булар ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, ҳаёлимга ҳам келтира олмасдим.

Биз учинчи синфга ўтдик. Бир куни галати туш кўрибман, тушимда "дўстим Санжар оқ кабутар мисоли осмону-фалакка учиб кетибди".

Кўрқиб ўйғоним кетдим. Эрталаб мактабга борганимда бугун Санжар билан навбатчи эканлигимизни болалар айтиб қолишди.

- Абдуҳамид, мен катта бўлсам албатта журналист бўламан, ҳаётимиздаги муаммоларни ечишга ҳаракат қиламан, дадамни ичирмайман, оймларни бошимда кўтариб юраман, - деб қолди.

- Кўйсангчи, ҳали ёш боласан, аввал катта бўл, кейин бир гап бўлар.

- Эй дўстим, мен албатта орзуларимга эришаман мана кўрасан, - ишонч билан гапирди у.

- Албатта, тасдиқладим мен.

- Юр бизниқига бир ўйнаб келасан, ўрик ҳам пишган. Еб келасан.

Биз бирга уйлариға бордик. Энди-гина дарвоза олдиға етганимизда Санжарни отаси келиб қолди. У ниҳоятда кўп ичган, ўзини тутта олмас, сўзлари ҳам олмон-толмон чиқаётганди.

- О, О, Ойинг қани?, - сўради Санжардан.

- Уйда, кўрқа-писа жавоб берди у. Санжар юрганича уйга кирди кетди. Онаси уйда йўқ экан, шекилли, бироздан кейин чиқиб:

- Ойим уйда йўқ экан, - овози чиқар-чикмас жавоб қилди у.

Отаси шунда Санжарни чунонам тепдики, гўёки осмондан момоқандирок чақиб тош ёғаётгандай, кўз олди қоронгулаша бошлади. Бироздан сўнг ўзимга келиб қарасам, Санжар боши билан тошга тушиб беҳуш ётарди. Кўрқиб кетганимдан нима қиларимни билмай, қўшнилардан бирини чақириб чиқдим. Дарров "тез ёрдам" чақириб уни олиб кетишди.

Эртаси куни онам мени уйғота туриб:

- Ўртоғинг Санжарни соат 11 бирга чиқаришар экан, - деди.

Мен ётган жойимда ҳайқалдек қотдим.

Ориф ЎЛМАСОВ

Мактабни тугатиб ўқишга киролмай, фабрикага ишга тушдим. Илгорлар сафидан ўрин олдим. Шу ерда бирга ишлайдиган Ф. исмли йигитни севиб қолдим, у ҳам мени севарди. Биз бир-биримизни жуда ҳурмат қилардик. Бу ҳақда ишхонадагилар ҳам билишарди.

Ушанда мен 16 ёшда Ф. эса мендан 5 ёшга катта эди. Йиллар ўтиб бир куни у менга совчи юбормоқчи эканлигини айтди. Лекин мендан олдин иккита опам борлигини, улар ҳали турмуш қурмаганликларини билиб индамади. Катта опам турмушга чиқиб, битта болалик бўлиб қайтиб келди. Бир оз вақт ўтгач у менга яна тўй ҳақида гапирди. Мен унга уйдаги аҳволни тушунтириб, (опам ҳақида) ҳозир тўй борасида ота-онамга гапиролмаслигимни айтдим.

Кунлардан бир куни уни дугонам Н.га уйланаётганлигини эшитиб, ишонмадим (Н. ҳам бирга ишларди). Тўй ҳам бўлиб ўтди. Мен у ерда ортиқ ишлолмаслигимни билиб ариза ёздим, лекин раҳбарият рози бўлмади.

Улар фарзандлик бўлишди. Н. декретда эди. Ф. эса яна мен билан муносабатни тикламоқчи бўлди, мен унга жаҳд билан, омборда ишлайдиган М. исмли йигит билан учрашиб юришимни айтдим, у ишонмади.

Мен М.га бу ҳақда сўзлаб бердим, йўлига учрашиб юрдик. Бу учрашувларимиз жиддийлашиб, бир-биримизга ўрганиб қолдикки, бир



кун кўрмасак туролмас эдик. Ишдан кейин бирга М. билан кино, театрга гоҳ-гоҳида ресторанга борадиган одат чиқардик. Вақт кеч бўлиши мени ташвишга ҳам солмасди. У билан бирга гаплашиб ўтирсам бўлди.

Йиллар шу зайлда ўтар, ёшим ҳам 20 ни қоралаб қолди. Бир куни М. мени яна ресторанга таклиф қилди (туғилган куним эди). Зиёфат куюқ бўлди. Бир шиша коньякни иккалаимиз ичиб ўтириб, (оналар, оталар, туғилган кун учун, яхши ниятлар учун ва ҳ.к.) у менга тўй ҳақида оғиз очди. Мени розилигимни олиб хурсандчилик учун яна бир шиша буюрди. Кўчага чиқиб машина тўхтаганимизни биламан, холос.

Ўзимга келиб, не кўз билан кўрайки, нима бўлаётганига ақлим етмай турганимда у мендан кечирим сўраб, эртасигаёқ уйимизга совчи юборишини айтди. Мен эрталаб уйга келиб дугонаникида эдим, кўнғироқ қилолмадим деб, уйдагилардан узр сўрадим, лекин бўлган ишлар ҳақида оғиз ҳам очмадим (у мендан шуни илтимос қилган эди). Совчиларни кута бошладим, лекин ҳеч ким келмади. М.ни ишхонадан топиб гаплашмоқчи бўлдим, билсам М. таътилда экан кейин эса ишдан бўшаб кетди.

Бир кун кичик опамни тўйи бўлиб ЗАГСга бордик, қай кўз билан кўрайки М. ку-

ёвни жўраси. Уни бир четга чақириб гаплашмоқчи бўлдим, лекин ҳозир гаплашолмаслигини, уйимизга кўнғироқ қилишини айтди.

М. кўнғироқ қилиб ҳамма гални оиласи, боласи борлиги, хотини иккинчисига хомиладорлигини, уларни қарғамаслигини айтиб кечирим сўради.

(Бу воқеалар 1 ойлар ўртасида бўлиб ўтган). Энди нима қиларимни билмай сарсон юрганимда ўзимни нохуш сезиб, врачга мурожаат қилдим, хомиладорлигимни билгач, баттар бошим қотди. Ўзимни кўярга жой тополмай уни олдиға бориб ҳаммасини тушунтириб, маслаҳат сўрадим. М. сенга

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

уйланаман квартирада яшаймиз, оилам ҳақида уйдагиларга айтма, хомилангни олдириб ташла деб қўлимга пул тутди.

Мен хомиламни олдириб М.ни бошқа учратмадим.

Ҳозир ёшим 30 да, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида уйдагилар билишмайди. Лекин энди ҳеч кимга керагим ҳам йўқ. Биров сўраб ҳам келмайди. Сўраганларга эса рад жавобини берайман, ота-онам ҳам ҳайрон.

Ахир ўзингиз ўйланг турмушга чиққаним билан фарзандсиз қайси оилани ташлаб бўлади. Врачларни айтишларича биринчи хомила Худоимнинг менга туҳфаси экан. Менда бошқа фарзанд бўлмас экан.

Энди мен нима қилай, бошимни қай деворга урай, менга маслаҳат беринг, эй яхшилар. Билмайин босдим тиконни тортадурман жабрини. Кейинги пушмон ўзинга душмон, деб бежиз айтилмас экан.

Сизлардан илтимос азиз "Оила ва жамият" редакциси бу хатимни тўлалигича рўзномангизда чоп этиб, мухлисларингизга хавола қилишингизни ўтиниб сўрайман, токи менга ўхшаб ёш сингилларим йўлдан адашмасин, гўлдек умрларини ҳазон қилишмасин...

ШОХИСТА,
Тошкент.

АКЛИНГИЗНИ ЙИҒИБ ИШ ЮРИТИНГ

«ЕНДИ НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК» - 13-сон

Мадинахон, ёзган хатингизни ўқиб, сизга опалик маслаҳатимни бермоқчиман. Билингни, ота-она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Шундай экан, уларни раъйига қаранг. Лекин кези келганда шуни сизга айтиб қўйшим керак. Афсуски, ота-она фарзандига тахт яратадди, бахтни эса биз фарзандлар ўзимиз яратишга ҳаракат қилишимиз керак. Шоир Ғ.Ғулом тили билан айтганда

**Тақдирин қўл билан яратур инсон,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона...**

Ота-онанинг, айниқса ҳаётнинг ачиқ-чучуғини, пасту-баландини кўрган бувижонингиз келган совчиларнинг тағи-тахтини, авлодини сўраб, сурштириб сизга тенг кўришса уларни раъйини қайтарманг. Баъзида кўп қизларимиз танлаб-танлаб тозисига ўраб қолишадди. Шундай бўлмаслиги учун ақлингни қайтариб иш тутинг. Ўзингизни гапингизга қараганда ота-онанинг ҳам севишмай турмуш кўрган эканлар. Мана, улар севилганлардан ҳам аъло, серфарзанд, сердавлат эканлар-ку. Ажаб эмас сизнинг ҳам пешонангиз ярқираган бўлса. Синглим Мадинахон, сизга аёллар йилида янги оилавий ҳаётга илк бор қадам қўйишигизда бахтли бўлишигизга тилакдошман.

Хурмат ила касбдош опангиз, «Орзу» акциядорлик жамияти ҳисобчиси

Мукаррам ЎСАРОВА

ДЎСТИНГИЗ ШУ ҚИЗГА УЙЛАНСИН

«КЕЙИН ХИЁНАТ ҚИЛМАСМИКАН?» - 19-сон

Зухриддин! Агар дўстингиз шу қизга кўнгли қўйгани чин бўлса, бир-бирини тушунса, ҳурмат қилса, мен у қизга уйланишини исғардим. У қизнинг айби алданганими? Агар у қизни виждони бўлмаганида бу сирни айтмай, унга тегволиши мумкин эди-ку! Ана шунда кўринг эди...

Виждони азоб бераётганлиги, Шўҳратни алдаб яшай олмаслиги учун ҳам унга ёрилгандир. Билмадим, бу ёғи менга қоронгу.

Мен уй бекасиман, маълумотим ўрта. Бир қизчам бор. Мен ҳали маслаҳат беришга ҳам ёшлик қиламан. Лекин севаган қизига уйланмас, йиллар ўтиб, севгиси ўзига армон бўлиб қолмасмикан? Уни бир умрга йўқотиб қўймайми? Балким, шириншаклар фарзандларнинг ота-онаси бўлишгач бу нарса унутилиб кетар. Балким у қиз вафодор ёр, яхши уй бекаси, меҳрибон она бўлар. Севкили ёр, айниқса ишонган одами ҳақида номаямум шубҳага бориш менимча яхши эмас.

Шўҳрат ака! Мен сиздан ёш эканман. Бунинг учун узр. Илтимос, у қизни оқланг! Ўзингизни унга ака сифатида қўйиб, синглим деб қабул қилинг уни. Унга ҳам осон эмас. Унда айб йўқдир. У ҳам севиб, севилади, севгилимга вафодор ёр бўлай деб кўнгли қўйган. Лекин унинг орзулари топталса, ундами айб! Агар бир қўшиқни эшитган бўлсангиз:

**Ўз ёрига ета олмаган қанча,
Ўзга ёр бағрида йиғлаган менча...**

- дейилган. Бу билан демоқчиманки, у қизга бахтни фақат сиз бера olasiz, фақат-сиз! Ҳамма қизни ёмон деб бўлмайди. Ундан ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз, кўзларига боқинг. Ҳақиқий жавобни кўзларидан олсангиз. Меҳр-қўзда дейдилар-ку, ахир. Одам ўз бахтини ўзи яратиши керак, мабодо бахтсиз экан, унга унинг ўзи айбдор...

**Нигора 22 ёш.
Бекобод шаҳри**

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ, КЎЗ ЧИҚАРИМ ҚЎЙМАНГ, ОНАИЗОР!!!

«ЮРАК БАҒРИМНИ ТИЛМАНГ, ОНАЖОН...» - 22-сон

Етти ўлчаб, бир кес, деган ҳикмат бор ҳалқимиз бисотида. Мабодо уйламай - нетмай кесиби қўйсанг, ишинг пачава, ниятинг амалга ошмай барбод бўлади, дейилмоқчи бу билан. Ёғоч, темир-терсақ сингари моддий нарсаларнинг унис ишдан чиқса, ортиқча меҳнату сарф-ҳаражат ҳисобига бўлса ҳам, бунисини еплаштириш мумкин. Аммо бениҳоя қийин савдо-ўғил уйлантириш ё киз чиқаришда обдан етти мартагина эмас, балки 70 ва ундан ҳам ортиқ мартаба ҳар томонлама, ўйлаб, юзга чиқиши мумкин бўлган турли оқибатларни ақл чигиригидан ўтказиб кўриб иш қилинган маъқул. Зеро, фарзанднинг тахту бахтига алоқадор масалалар мусулмон оилаларида кўпинча ота-она томонидан маъқул топилган тўхтам-азму қарорга биноан ҳал этилади. Борди бунда оқиллигун адолат ўрнини янглиш фикр-мулоҳаза, ёҳуд жаҳолату бидъат олгудек бўлса, турли нохушликлар, баъзан эса фожелар рўй бериши мумкин.

Ширин ҳаётингизни турли ҳавф-хатарлар остида қолдириб, қорнингиздаги Аллоҳнинг изни-иродаси билан пайдо бўлган ҳомилани тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат авайлаб кўтариб, қўзингиз ёригандан кейин ўз ҳузур-халоватингиздан кечиб, дилбандингизни бир парча этлигидан минг бир аллозга тушиб, емай-едириб, киймай-кийдириб, не-не эзгу ниятлар билан парваршиллаб, ўстириб келаятган мўътабар Онаизор!!! Наздингизда жигарбандингиз Шерзоднинг бахт-саодатини кўзлаб, у етти кун эмас, етти ой эмас, етти йилда тенгқур жўраларингиз ҳавасини келтириб, "... чехраси қалбидан, қалби эса чехрасидан-да гўзал бўлган маъсума бир қиз" - Соҳидага кўнгли бериб, уни еру қўкка ишонмай бутун борлиги билан ардоқлаб келаятганини назар-писанд қилмай, "Мени десанг, унга эмас, мен айтган қизга уйланасан", дея оёқ тираб, жонингиздан азиз фарзандингиз таъбини ҳуфтон, дилини вайрон қилиб, беҳудага озор бераёйсиз.

Нега дейсизми, муҳтарам Онаизор? Аллоҳ нәздиде, Пайгамбаримиз айтганларидек, энг яқини гап-роз гап бўлганидан тўғриси ни дангал айтман Сизга. Биринчидан, Сиз рўқач қилаётган ваз-қачонлариде ота-боболарингиз орасида бўлиб ўтган жанжал-тўпалон туфайли оилаларингиз ёвлашиб қолгани, шунга кўра маъқул оила билан қуда-анда бўлмаслигингиз ҳақидаги ҳукмингиз мусулмончилик эътиқодида зиддир. Зероки, Расули Акрам бир Ҳадиси Шарифларида: "Уч кундан ортиқ аразлашиб юриш исломда йўқ", деган бўлсалар, бошқасида эса: "Биродари билан бир йил аразлашиб юрилишнинг қонини тўкиш билан баробардир", деганлар. Ул Эоти Аҳдас яна дермишларки: "Кишиларнинг ичиде Аллоҳи Таолога энг ёқимсизроғи-ашаддий душманлик қилувчи одамдир", шунингдек: "Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилинганни тийинглар..."

Шуни қатъиян таъкидлаш зарурки, Расулulloҳ ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро ҳуқуқлари хусусида сўз юритганда ота-онанинг розилиги Худонинг розилиги билан тенг экани ҳақидаги Қуръон ҳукмини тасдиқлаш баробарида қилбоғлоҳларимизга қарата шундай марҳамат қилганлар: "Аллоҳдан кўринг ва болаларингиз борасида адолатдан узоқлашманг".

Иккинчидан, мени маъзур тутасиз муҳтарам Онаизор, Сиз ўта ношукр бандлар жумласидан экансиз. Тагин нега дейсизми? Нурийдидангизга инсон қалбининг камёбу ноёб гавҳари-чинакам муҳаббат насиб этган бўлсау Сиз бундан яираб, Аллоҳ-Таолога беадад шукроналар айтиш ўрнига исломиятда харом қилинган хурофотни қурол қилиб, жаҳолат оига шахд миниб, муҳаббат чаманзорин топтаб, ер билан яқсон қилишга шайланиб турибсиз.

Ҳолбуки, доно ҳалқимиз: "Муҳаббатсиз умр-ўт олмас кўмир", "Ишқсиз кўнгил-ўтсиз ўқоқ", "Севги бозорда сотилмас", деса, миллатимиз фахри Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари дунёнинг яратилиши асосида том маънодаги ишқ-муҳаббат ётишини таъкидлаб дейдиларки:

**Бўлмасе ишқ икки жаҳон бўлмасди,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасди.**

Қисқаси, инсон боласи қадим-қадимдан сеvgи билан тирик. Чинакам муҳаббат оиланинг метин пойдевори, ўз севгисига вафодорлик-оила қасрининг мустаҳкам устуни, оилавий турмушнинг ачиқ-ширин, иссиқ-совуқ, ёруқ-қоронгу, ғам-аламли-шоду хуррамлик манзилларидан омон-эсон олиб ўтувчи ҳайратангез қудрат ҳам ана шу севгидир.

Ишқи борнинг иймони бор, дейди аслрар оша исломият сарчашмаларидан баҳраланиб келаятган ҳалқимиз. Иймон соҳибига хос асосий хусусият шукки, у ҳаммаша Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиб, раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлиб умргузаронлик қилади.

Кўзингизнинг оқу қароси бўлмиш Шерзод суюкли Соҳиданинг ҳам ва Сиз олиб бермоқчи бўлган боқира қизнинг ҳам гўлдек умри беҳуда ҳазон бўлиб, катта бахтиқаролик юз бериши эҳтимолдан изтиробга тушиб бевоталаниши шуни кўрсатадики, жигарбандингизнинг иймони соғ-саломату бус-бутун. Шундай марду майдон ва одобли ўғлонни тарбиялаб воёга етказганингиз учун Сиз муҳтарам Онага улқандан-улқан ташақкур айтиб, дил-дилдан чукор таъзим бажо келтираман.

Муҳтарам Онаизор, минганингиз жаҳолат отидан тушиб, ўз жигаргўшангиз кўнглига хурсандчилик солиб, (Дарвоқе, Ҳадиси Шарифда: "Аллоҳ Таолога фарз ибодатлардан кейин энг маъқул иш-мусулмон кишини хурсанд қилмоқдир", дейилади), унинг севинчига шерик бўлиб, Соҳидани келин қилишга ихтиёр этсангиз, Сиздан қатъик илтимос, зинҳор бақинҳор ўлгингиз дилини забту

мафтун этган маъсумани ўз қизингиздек кўринг, яъни яхшисини оширинг, ёмонини яширинг, билмаганини зугум қилмасдан, ётиги билан тушунтиринг, "Қайнона билан келин - ўт билан сув", деган беамани ақидадан воз кечиб, асло ўтирса ўлоқ, турса сўпоқ, дея қилдан қийқ чикариб, ёвлик қила кўрманг, оилангиздаги бошқа аъзоларнинг ҳам бундай қилишига йўл берманг, бағрингизни ниҳоятда кенг қилинг, қайнона ҳам Она бўла олишини кундалик хулқ-атворингиз билан исботланг. Ишончим қомилки, Сиз томондан қилинаётган яхшиликларга келиннинг узлардан юз чандон ортиқроқ эзгуликлар-суюкли ёрининг азизу мўътабар Онасига муносиб ҳурмат-эҳтиром, самимий меҳр, беминнат хизмат кўрсатиб, Сизни бошига тож қилиб кутаради, иншооллоҳ.

Яратган Эгамга беадад шукроналар бўлсинки, ёшим етмишдан ошиб қолди, тўрт нафар ҳавас қилса арзиғулик фарзанднинг отаси, тўққиз неваранинг бобосиман. Сизниқига ўхшаш савдолар бизнинг бошимиздан ҳам ўтган. Бир ўғлим ва қизим келин-куёв масаласида гўри нурга тўлғур онаси билан танлаганларимизга рози бўлишиди. Аммо яна бир ўғлим ва қизим муҳаббатни уртага солишиб, келин-куёвни бизга бегона оилалардан танлашди, биз тавсия этган номзодларни рад қилишди, биз эса ортиқча зўрламадик. Қилган ишини эътибор оилаларни орқаворотдан сурштириб кўрдик, қуда-андачилик қилишга муносиб бўлганлари учун фарзандларимиз бахтини уйлаб, унашишга оқ фотиҳа бердик. Ҳозирги кунда фарзандларим ҳам оиласи билан аҳил-иноқ яшаб, рўзгорни баҳоли қудрат тортишиб, ўз зурриётларини, яъни невараларини қайси қасби-корини этганини тутганидан қатъи назар, даставвалло одамай одам-баркамол инсонлар қаторига қўшиб ниятида ҳўлларидан келганига саяъ-ҳаракат қилиб ётишибди. Уғил-қизларимнинг бу эзгу орзу-ниятларининг рўёбга чиқишига Тангри Таолонинг ўзи мададор бўлсин, омиий!

Ҳамма-ҳаммамиз ҳам хом сўт эмган, ақли қосир банди оқилларимиз, Янглишчи, хатолик барчамиздан, ҳатто манман деган донолардан ҳам ўтади. Бу инсон боласининг мутлақо табиий, турма хусусияти. Гап саҳаву хатога мутлақо йўл қўймаслиқда эмас, бундай қилиш қўлимиздан келмайди ҳам, балки уни вақтида фаҳм этиб, тузатиш тадоригини кўра билишди! Шу боис ҳалқимиз: "Ўз айбини билган-мард", "Айбини билган-авлиё", дейиш баробарида ёлғиз айбини тан олиш билан иш битмаслигини, энг муҳими уни газак олдирмасдан, илож борица тезроқ тузатиш зарурлигини таъкидлаб: "Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик-ордир". "Кишининг янглишгани-қоқилгани, янглишганини тузатмасе-ийқилгани", дея хулоса қилади.

Хурматли диндош биродарим Шерзод! Ўзингизга маълумки, Аллоҳ-Таоло инсонни беш кунлик дунёда турли йўл ва йўсин билан, чунончи яхшилигун ёмонлик, меҳр-муҳаббатну нафрат, бойлигун камбағаллик, шодлигун музубат, сийҳат-саломатлигун турфа хасталик, издат-икромун хорлик билан синая, имтиҳондан ўтказиш учун яратилган. Кишининг бандалигун одамийлик бурчу вазифаси Аллоҳ ва Жаноби Пайгамбаримиз кўрсатган Ҳидоят йўлидан юриб, таъқиқланган нарсаларидан ўзини тийиб, ваъда қилинган, ҳозирда қосир ақлимиз бовар қилолмай-диган буюқ неъматларга сазовор бўлишга саяъ-ҳаракат қилишдан иборатдир. Ҳозирги кунда Онаизорингиз ҳам, Сиз ҳам ана шу хил синовлардан бири олдида турибсиз. Онаизорингиз учун бу синов у зотнинг қалбиде Сизга бўлган меҳр-муҳаббат аллоҳ устун қичиб, оқилу адолатнинг тантана қилишиди, хурофотга сунган жаҳолатнинг мағлуб бўлишиди ҳамда қалтабиллигун тошбағорлик ўрнини бағри кенглик олишиди намоён бўлса, Сиз учун эса муҳаббатингизга чинакам садоқатдан, суюкли ёрингизга берган йигитлик ваъдангиз устидан чиқа билганингизда жамол кўрсатади, иншооллоҳ.

Индаллоси, гўё азиз фарзанди бахтини кўзлаб номаяқул йўлни танлаб жон куйдираётган муҳтарам Онаизор! Шуни яхшилаб билиб олингки, ота-она фарзанди аржумандига тахт яратиши мумкину аммо Бахт яратолмайди, минг чирангани билан бунинг удрасидан чиқолмайди. Шу боис донишманд ҳалқимиз: "Ота-она тахтидан бола тахти ортиқ", дейди. Севги-бир бўлгани билан унинг макони икки бўлади, яъни икки дилдан жой олади. Бахт-саодат қаср-қошонани бир-бирини бутун борлиги билан севган икки ёш-Шерзод билан Соҳида, Аллоҳ насиб этган бўлса, ишқ-муҳаббатнинг пасту баланд, ўнкиру-чўнкир, саратону қаҳратон, чаманзору тиканзор, ёп-ёруғу зим-эим манзилларидан омон-эсон олиб ўтиб, бунёд этиши мумкин. Фарзандим қамолини кўрай, заволини кўрай, десангиз, эй Онаизор, фақат адолату ҳаддингизни билиб иш қилинг, илло-билло зулм йўлига ўтманг. Худо кўрсатмасин, аксинча йўл тутсангиз, қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйишигиз ҳеч гап эмас. Бир варақайга уч ёшининг, икки боқира қизу бир навқирон йигитни бахтиқароликча гирифтор этиб қўйишигиз эҳтимолдан йироқ эмас. Наузан биллоҳ!

Илоҳу, хурофот туфайли адашаёган мушфиқ ва меҳрибон Онаизорга тўғри йўлни ўзингиз кўрсат, Шерзод билан Соҳидага муҳаббат йўлида учрайдиган тўсиқ-говларни енгиб ўтиш борасида сабр-тоқат ато эт, эй Раббано, етти йилдан бўён бир-бирига интилиб келаятган икки садоқатли ёш қалбини алалоҳир бир ёстиқча бош қўйиб, ували-жували бўлиб, умр бўйи бахт-саодат оғушида яираб яшашларига ўзингиз мадад бер!!!

**Миён Содиқ Раббоний.
Тошкент.**

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Азиз ва меҳрибон адажонимиз Акбар Ҳожи АЛИМОВ!

Сизни 28 июль кунини шаҳонаданги муборак 60-ёшнингиз билан дилдан қутлаймиз. Узоқ-умр, мустақкам соғлиқ тилаймиз. Оллоҳдан тиласимиз шуки эндиликда навақрон фарзандларингиз, ажойиб келинларингиз хизматидан ҳузур ҳаволатда яшанг.

Рафиқангиз Мамлакатхон, Ғулла-рингиз Уллубек, Алиқон, Валиқон, Ботиржон, келинларингиз Дилдорона, Диноҳон, Мунисахон ва олий тоифадаги шифокор қизингиз Гулнозахон



Ҳурматли Саодат Исмаилова!

Сизни таваллуд кунингиз 28 баҳорингиз билан қутлаб, Оллоҳдан божқий умр, туганмас бахт тилаймиз.

Дўстларингиз Раъно, Яхшимурод, фарзандларингиз Шоҳаҳон, Садоқат, Фаранг.



Азиз фарзандимиз ШЕРЗОД-ЖОН!

Сени 18 ёшга тўлашнинг билан дилдан табриклаймиз. Оллоҳ сени доим ўз паноҳида асрасин.

Дадажонинг Хайрулла, ойижонинг Махбуба ва опанг Юлдузхон ХУСАИ-НОВАлар оиласи.



Ҳурматли Мирсуннат Абдуллаев!

Сизни 40 ёшга тўлашнинг билан табриклаймиз. Узоқ умр кўриб, доим соғ бўлинг.

Оққўрғон маҳалласининг ахли.

Ҳурматли Гулнора Мажидова!

Сизни таваллуд топангиз билан чин юракдан табриклаймиз.

Бахт-саодат, меҳр-муҳаббат сизни сира тарк этмасин.

Фарзандларингиз: Сайёра, Нилуфар, Нодира, Нозима, Шаҳноза, Камола ва Эркинжон, турмуш ўртоғингиз Нейматжон.

Тўй асбоб-анжомлари (стол, стул, "Совплас-тигал", дастурхон, идиш-товуқлар) ижарага берилади.

Тел: 64-28-08; 64-24-71; 46-48-05.

Тортлар пиширамиз ва тайёрлашни ўргатамиз.

Тел: 53-88-94; 53-73-15.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази тақлиф этади:

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухгалтерия
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона
Тел: 144-58-34; 58-48-50.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ ТАДБИРКОР ҚАЛДИРҒОЧ

Эски уйимизда ҳар йили қалдирғоч ин қураб эди. Одатдагидек, қалдирғоч ин қуриб, бола очди. Бир кун қалдирғоч қирқиллаб уйга тез-тез кириб чиқаётганини кўриб қолдим. Нима гап экан, деб бориб қарасам, узунлиги бир метрдан ошқирок чипор илон инга яқинлашиб келаётган экан. Қўлимга паншаҳани олиб ҳарчанд уринсам=да, шилдаги илонга тегиза олмас эдим. Бу орада она қалдирғоч анчагача кетиб, кейин пайдо бўлди, унинг оғзида бешиқтебратор бор эди. У бешиқтебраторни инга оғзига қўйди. Илон инга яқинлашган вақт бешиқтебратор бир силкиниб қўйди. Илон ерга йиқилди. Бориб қарасам илоннинг икки кўзи ўйилган эди. Қалдирғоч бешиқтебраторни охишта тумшугига илиб учиб чиқиб кетди.

Шерзод ХОЛИҚОВ

ОТАЖОНИМ ОҚ ЙЎЛ ТИЛАДИЛАР

1994 йил 29 августда оиламиз кўрғони, меҳрибонимиз отажонимиздан ажраб қолдик. Бунга ҳам 5 йилга яқинлашиб қолди. Ой-кун ўтиб, инсон умри тобора қисқариб кетаяверади экан. Ҳамон ўша пайтлардаги ҳолатим эсдан чиқмайди. Уша пайтлар мен ҳомиладор эдим. Муддатидан ўтиб кетаяпти ҳамки фарзанд туғилмаётганди...

1 ой туғруқнада шифокорлар доволашади. Бир кун бўлим шифокори келиб, сизни "операция" қиламиз дедилар.

Уша кун отам раҳматли тушимга кирибдилар. Тушимда шаҳарчамиздаги мусиқа мактабининг ёнидаги скамейкада ўтирибман. Уша пайтда отам катта қора юк машинасида келдилар. Биз кўришиб, гаплашиб ўтирдик. Анча вақтдан кейин, отам мен кетаман-дедилар. Мен шунда "Отажон мени олиб кетинг, жуда қарчадим", -десам отам мени урушиб бердилар. "Хали ёшсан пиёда кетавер", -дедилар. Мен шундай йиғладимки, йиғлаган овозимдан ўзим кўркиб ўйғониб кетдим. Туш кўрган куним, қизимиз туғилди.

"Арвоҳ рози" деганлари шу бўлса керак-ки, ўша кун машинага миниб кетганимда нима бўларди, Худо билади.

Қизим туғилиб, 4 ойлик бўлибди-ки, ҳеч йиғлаш қолмасди. Мен иш қилишга, кир ювиш, уй йиғштириш ишларига улгурмасдим. Шунчалки қиналандимки, мен қизимни қаргадим. Шу кеча тушимга отам кирдилар. Фақат "қизингга қара" деб уч марта айтдилару кетдилар, чой ичинг десам, қарамадилар ҳам.

Шу-шу қизимни урушмадим ҳам, қаргамадим ҳам. Ҳозир қизим 5 ёшга кириб қолган, эс-хуши жойида. Шўлиги бир олам.

Ишбуви Аймадова, Ғузур тумани

ЁЛҒИЗ ЯШАШ ҚИЙИН ЭКАН ...

Мана уч йилдирки ичим ёниб, берк кўчага кириб қолгандайман. Тақдир эканми, кўп жанжал туфайли ажрашиб кетдик. Чунки бу беш кунлик дунёда тинч-тотув яшамасдан эл оғзида достан бўлиб ҳар кун ўлгандан кўра, бир кун ўлган маъқул деб, уй жойни ва фарзандларни она-сига қолдириб сизлар тинч яшанглар деб уйдан чиқиб кетдим. Мен бу йўлни танлаб тўғри қилдимми ё нотўғрими билмадим. Лекин мени характерим мучалимга жуда мос келар экан, у ҳам орақсига қарамас ва қайтмас экан. Энди бўлар иш бўлди, фишт қолипдан кўчди.

Мен ўз бахтимни топишни хоҳлайман. Чунки бахтини излаётган фақат мен эмасманку. Менинг ёшим 40 дан ошган, олий маълумотли, касб-корим бор, албатта фарзанд кўришни, уйимиз болали бозор бўлишини, бир-биримизни тушуниб яшашни хоҳлайман. Ўз фикрига эга, ҳаётни аччиқ ва чучунги торган ҳар икки тарафни бир хил кўрадиган, меники-сеники демайдиған, ақл билан иш тутадиган, покиза, уйим-жойим дейдиган, пазанда уйли ва жойли ёки шунга вақтинча имкони бор армонли, бахтини излаётган ёки кутаётганларни, ёлғизларни хат орқали кутаман ва илтимос қиламан, хатни чин юракдан ёзинг. Чунки ўзим каби бахт излаётганларни бахтли бўлишини хоҳлайман. Ёши 26 дан 35 ёшгача қадди қомати ихчам бўлса мақсадага тўғри бўлади.

"Қ".

БИР-БИРИМИЗГА МАЪҚУЛ БЎЛСАК...

Ёшим 43 да. Одамларнинг айтишича 25-30 ёшдаги кишига ўхшар эканман. Жўрамнинг Фотимасига уйландим. Бир йил яшаб ажрашдик, битта ўғлим бор эди, умри қисқа экан оламдан ўтди. 12 йилдан бери уйланмай юрибман уни у деб, буни бу деб. Ўзим келишган йиғитман. Жуда оддий боламан, кўчада қизларга гап отишни ёқтирмайман. Ёшлигимдан шундайман, хаёли, иболи пардоз-андоз қилмайдиган сочи узун илоҳий ҳукмга амал қиладиган қиз ва аёлини хуш кўраман. Уйимни сотиб қўйиб уйсиз қолдим, ҳозир квартирада тураман. Индуриал техникумни битирганман. 9 йил билим юртида мастер бўлиб ишладим, 7 йил рассом ва бошқа ишларда ишлаганман. Ҳозир "Ўзбекхим-маш" заводига қоравул бўлиб ишлайман, чунки ёлғизлигим хуш кўраман.

Ота-онамдан ёш қолганмиз-жуда кўп қийинчилик кўрганман. Бўш вақтимда Куйрун ўқишни жуда севаман. Бўйим 1,70 см.

Тўртта укам, уйланиб уйли-жойли бўлганлар. Худога шукр соппа-соғман.

З.Х.

ТАШВИШЛИ МАКТУБ

ЭНДИ ҲЕЧ КИМГА ИШОНМАЙМАН

Оллоҳ инсонга ҳаёт ато этибди-ю, лекин ҳаммасига ҳам ақл-заковат, фаросатни бир ҳилда бермаган экан. Ҳозир, шу дамда дилим вайрон бўлиб шу мактубни ёзаяпман. Кўнглим бўшлиғи, ишонувчанлигим доим менга панд бериб келади. Ҳаммасидан ҳам шу туфайли одамларга яхши-ёмон бўлиб юришимни алам қиляпти. Биз ҳам бир кунимизга ярар, дея уйимиздан хусусий дўкон очган эдик. Биласизми, ана шу кундан бошлаб ким қандай одам эканлигини билиб олдим. Нега кўплар ёлғончи, очкўз, туллаки бўлиб кетишган? Шунчалар қарзга ботиб кетишса ҳам парволарига келмайди, бемалол яшаб юришади.

Одамларга раҳмдиллик қилиб ишониб қарзга нарса беририб ўзим ҳам нарсасиз қолдим. Ўзим ҳам бунчалар эси паст бўлмасам. Қарзга нарса бериб қайтаришларини сўрасам, сўкиш эшитиб оламан.

Ўзим бировдан қарзга нарса олгудек бўлсам-у, вақтида қайтармасам кўнглим жойига тушмайди. Ахир ҳамма ҳам бирим икки бўлсин деб тирикчилик қиладди-ку.

Лекин бугунги бошимдан ўтган машмашалар жуда ҳам нафсониятимга тегиб кетди. Баъзи одамларга нима бўлаяпти ўзи-сизга тушунолмай қолдим. Асли ҳисоб-китобли иш жуда қийин экан. Ҳеч қачон қарзга ҳеч нарса берманг экан. "Ҳисобли дўст айрилмас", деб қадимдан бекорга айтилмаган. Хаттоки ишонган одамнинг ҳам пайти келса қилган яхшиликларингни унутиб кўяркан.

Бу мактубни сизларга ёзиб кўнглим озгина ёришар деб умид қилдим.

Қарзга нарса бериб қийин аҳволда қолган одамнинг дард-ҳасратини тушунишар балки...

Нигора, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани.

Таҳририят "Қ" ва "З.Х" га жўнатилган мактубларни кутади ва эгаларига еткази.

ФАҚАТ СЕН ЙИҒЛАМА

Мана бугун никоҳ базми, висол оқшоминг. Сен балки бу бахтдан сармастдирсан, балки кечagina мухаббат деб эртангдан юрагинг сасоиз эзилиб йиғлаётгандир.

Ҳа, азизим сенинг ёнингдан оқ либосли келинчақ бўлмоқ орзуим эди. Нетай?! Неларга умид қилай бугун сенинг ёнингдан бир умрлик ёринг бор. Висол базмига келиб ёрингга бир кўз ташлади-му, сен билан бирга бўлишлик бахтини унга ўз қўлим билан тутқазганим учун зор қақшадим. Сармаст нигоҳларинг менга термулиб турганини кўрдиму, кўзимдан маржон-маржон томаётган кўз ёшларимни артиб сени ўша беғубор нигоҳларингга мен ҳам термулдим.

Эвоҳ! Сени кўзларингга мунгли армон кўз ёшларини кўрдим. Йўқ, йўқ азизим фақат сен йиғлама, армон билан юракнинг тилгама. Қувонч сени ўз кўчоғига олсин, сен учун ҳам кўз ёшларини мен тўқай, фақат сен йиғлама. Бу "тасодифий мўъжиза"-ни иккимиз чилпарчин этган бахтнинг меваси эканлигини била туриб "бу тақдир" дея таскин берай, фақат сен севгининг бу азобига юрагингни доғлама азизим. Иккимиз учун ёлғиз мен азоб чекай, сен кўз ёшингни артигну иродангни мустаҳкам эт.

О, МУХАББАТ

Махфуза РАСУЛОВА, Жиззах вилояти, Даштобод шаҳри

МАКТУБНИ ёзишдан аввал жуда кўп ўйладим. Охири кўнларга сабоқ бўлар, деган умидда дардларимни ёзишга аҳд қилдим.

Оиладаги келишмовчилик туфайли эрим мени ва 2 нафар фарзандимни ташлаб кетди. Аммо, эримнинг тушунмагани майли, ҳатто ўз яқинларим-опаларимнинг ҳам мени тушунмай воз кечишганини сира-сира юрагимга сиздирилмаётганман.

Асли Андижон вилоятиданман. Онам, акам-укаларим, опа-сингилларим бор. Аммо, ҳаётда ҳар ким ўздан тинсин экан. Турмуш қуриб, 15 йил эрим билан чўлда яшаб ишладим. Рўзгорим бут бўлсин деб елиб-югурдим. Эрим ичарди, кимор ўйнади. Уйдаги канча нарсаларни киморга тикиб юзатиб қўйди, унинг дастидан уйда бирор нарса асрай олмай қолдим. Инсофга чақириб, яхши одамларни ибрат қилиб кўрсатиб, болаларни ўйланг, десам: "Болани худо берган, амаллаб кунини кўради, фалончига ҳавас қилсанг, тегиб олақол", - дерди нукул. Охири бундай ҳаётдан жуда безиб кетдим. Опаларим узоқ юртларга қатнаб бизнес қилишарди. Қўлимда дипломим бўлишига қарамай, фоизга пул олиб, савдо қилмоқчи бўлдим. Буни қарангки, камбағални туяни устидан ит қолибди, деганларидек бир гал бозорда бор пулимни олдириб қўйдим. Ана энди куйишимни кўринг. Охири юрак ютиб, эримга айтдим. Экиннинг пулидан қоплармиз, дедию, бироқ яна аиниди. Мен эса дардимни ичимга ютдим. Охири яна қарзга пул олиб, бозор қила бошладим. Товарни бошқа шаҳардан олиб келардик. Бозорга тонг қоронғусида чиқиб кетардик. Бир кунни қўшнимнинг итидан кўриб, дадаси мени кузатиб қўйинг дегандим, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ уриб кетди. "Гапни чалгитма, умид ҳам қилма, бир тийинингни тўламайман", - деб... Сўнг мени уйга қамаб қўйди. Бир амаллаб қочиб кўчага чиқдим. Мен йўғимда уйга суд ижрочиси келса (мен эримга иккинчи хотинман) эрим озгина пулимни ҳам сўрамай-нетмай, алимент ўрнига бериб юборибди. Хўжайиним билан бир ой уришиб юрдик. Ҳеч инсофга келмади. Бир кун кийиниб индамай кетиб қолди. Кейин билсам, эрим йиртқч қўйлақ, эски шиппақда Андижонга бизнинг уйимизга кириб борибди ва хотиним бошқа эрга тегиб кетди, деб мени роса қоралабди. Опаларим эса унга лаққа ишоншибди.

Бир ярим ой ўтгач, аям кириб келди. Уларни кўриб, йиғлаб юбордим: "Менга ишонмасангиз, қўшнилари гапирсин", - дедим. Хотинқизлар қўмитаси раиси ҳам, оқсоқол ҳам менинг гапимни тасдиқлашди.

Аям барибир она-да, менинг ёлғиз яшашимни истамасдилар. Болалигимдан касалманд бўлиб ўсганим учунми, ота-онам доим менинг кўнглимга қарашарди. Лекин турмушга ота-онамни хоҳиши бўйича чиққанман. Опаларим эса ота-онам менинг раъиймга қараганини унча ҳушмамасди. Буни мен билардим. Онам менга раҳ-

млари келиб: "Қизим, уйга кўчиб кел. Бир хона уй ажрати берамиз. Шу ерда бозор учар қилиб рўзгорингни тебратасан", - деди. Мен эса ҳар томонлама ўйлаб кўриб "Ая, ҳозир сиз борсиз. Сиздан кейин мен бу ерга сизгаманми йўқми, худо билади", - дедим. Шунда опаларим: "Чўлда 5 хоналик уй бор, яшайверсин. Ўзимиз бориб келиб юраверамиз", - дейишди. 4 йилдан буён фарзандларим билан яшаётганман. Дастлаб уйимга бориб келиб юрдим. Савдо-сотик билан шуғулландим. Бир гал ишим юришмай қолди. Шунда уйга бориб, аямдан 5000 сўм пул олдим. Шундоқ кўчага чиқшим билан йўлимдан икки опам чиқиб:

"Мана бу пулни қўшнимдан қарз олди. Фоизига 1,5-2 йил бемалол ишла-тиб юравер, кейин берарсан. Аямиздан олганингни бизга қайтар", дейишди. Аямнинг пулини қўшқўллаб уларга бердим. Фоизлик пулини олиб кетдим. Уч ойгача фоиз пулини тўлаб юрдим. Шундай кунларнинг бирида йўллар бекилиб қилиб, савдом тўхтаб қолди. Мен қарзни беролмай қолдим. Рўзгор-гор экан. Қўлимдаги жамғариб юрган пулимни ишлатиб қўйдим. Маҳаллада гап ўйнаган эдик. Навбат менга етгач, гапнинг пулини олиб энди савдоним бошлайман деб турсам, опам бир аёл билан уйимга кириб келди. Уларнинг ташрифидан хурсанд бўлиб дастурхонга бор-будимни тўқдим. Бир маҳал опам мендан уч ойдан буён тўланмай ётган фоиз пулини сўраб қолди. Мен вазиятни тушунтирдим. Опам гапимни эшитишни ҳам истамасди: "20000 сўм берасан, тамом. Қаёқдан олсан, билмайман", - деди. Мен эса: "Ахир қўлимда пул йўқ, қаердан топиб бераман?", дедим. "Маҳаллангачи ўн нафар қўшнингдан 2000 сўмдан пул йиғиб олди, қарздан қутил. Уларга қачон берсанг, бераверасан", деди.

Мен бўлсам "Опа, жон опа, дунёда инсоф-диёнат, меҳроқибат деган нарса бор. Сал инсоф қилинг", - дедим. "Йўқ, мен ҳеч қанака инсофни билмайман. Мени инсофни ҳам, виждоним ҳам пул!" деб юборди опам. Кейин "Бўлди, шу уйингни сотиб бўлса ҳам менга пулни топиб берасан", - деди. Нима қилишни билмай қолдим. Аксига олиб шу кунни мени судга чақиртиришганди. Мен кетганимдан сўнг опам маҳалла қўмитасидегиларга бориб устимдан арз қилибди, юриш-туришимни сўраб-суриштирибди. Опамнинг қимлигини билишгач эса улар "Сингли сизларники бўлса, унинг юриш-туришини суриштиргунча аввал хабар олиб туриш керак эди. Биз унинг ҳеч кими йўқ бўлса керак, деб ўйловдик", - дейишди. Шу кун уйимизда қатта жанжал бўлди. Барибир опам мендан

саккиз минг сўмдан ошиқ пул олиб кетди, энг ёмони кетар чоғида "Энди сенга она юртинг" тупроғи ҳаром. Умуман қадам босма. Аям, ака-укаларинг, сингилларинг барчаси сендан юз ўгирган", - деди. Бу гапни эшитиб қотиб қолдим... Анча вақт ўтгач эса опаларим менга ўзларининг пулини қарналик уйи бор, яшайверсин. Улар мени қай аҳволда яшаётганимни билиб туриб шу даражада боришгани мени лол қолдирди. Майли, бу ҳам тақдир экан деб яна икки боламга суандим. Сўнг икки укам тўй қилишибди. Тўйга лоақал таклиф ҳам қилишмагани менга оғир ботди. Қаранг, шу укаларимни гўдақлигида кўтариб, улғайгач тўйларига сарполар

дим", - дедим. Кунлар ўтди. Уйни сотишга қарор қилиб, ҳужжатларни расмийлаштиргани Андижонга, тоғамникига икки ҳолис киши билан кириб бордик. Тоғам уйда йўқ экан, бизни келиноийм кутиб олди. Улардан яқинда кенжа синглим узатилагани билдим, хўрлигим келиб йиғлаб юбордим. Майли, бахтли бўлсин, ундан домонгир эмасман. Аммо, ўша кунларда бир аёлдан мен турар жойимни ёзиб, сумалак бериб юборайтиб, "Тошкентда бозор қилаяпман, болаларим ёнимда. Тинчман, шуни аямга айтиб қўйинглар" деб тайинлагандим. Келиноиймининг айтишича, опаларим адресимни билишмагани учун

тўйга айтишмабди. Қаранг, одамлар Маккани қидириб топиб боришади, чет элдаги қариндошларини излаб топишади, уларга Тошкент бир қадам эди-ку? Шундай хафа бўлдим, асти қўяверинг. Чечаси билан ухлолмай, тонгда дадамнинг қабрларига бориб йиғлаб-йиғлаб дардларимни тўқдим. "Мен не гуноҳ қилибман-ки, мендан яқинларим юз ўгирса? Бу нима кўргулик, дадажон? Улай десам, Худодан ажал келмаяпти, бошимни қайси тошга урай, айтинг дадажон?" "Бир соатлардан сўнг ўзимга келиб уйга келатсан, синглимни кўриб қолдим. Унга "Нега мендан юз ўгирдиларинг?" деб сўрасам, "Сиздан ҳеч ким юз ўгиргани йўқ" деди. Минг истихоло билан уйга кириб бордим, қулогимдан опаларимнинг гапи кетмасди. Аям шўрлик она-да, мен билан дод солиб кўришди. Маълум бўлишича, икки опам ёлғон гапириб юрган экан. Уйдагилар мендан, мен эса уйдагилардан хафа бўлиб юраверибдим. Ушунда декабр ойи эди. Аям "Энди қачон кела-

ДИЛ ИЗХОРИ

сан?" дея орқамдан интиқ бўлиб қолди. "Яқин орада бир келиб кетарман" дегандим. Аммо, рўзгор юмуши билан ҳали уйга боролганим йўқ. Ушундан буён на хат бор, на хабар бор. Охири гал борганимда, опаларим: "Эшитдик, Тошкентда ашяяпсан экан. Яшайсанми, эрга тегасанми, бизнинг ишимиз йўқ, Фалончи қўшнингнинг (яъни ўзларининг) 10000 сўмини бер-да, кейин қорангни кўрмасак ҳам майли", - дейишди. Шунда мен уларчаллик бўлмасам, эл қатори яшаётганимни, ҳозирча бу пулни беролмаслигимни айтдим. Шунда улар "Бизга барибир. Хоҳлаган пайтда бориб пулни олиб келамиз, фақат сен тайёрлаб қўй", - дейишди.

Ҳозир она юртимга боргим келади, бироқ камхаржман. Охири гулим квартирага кетди. Кўнглим ғаш, кечалари ҳадиксираб чиқаман. Опаларим келиб мен билан жанжаллашса, нима қиламан? Қандай қилсам, ишларим яхши бўлиб кетаркан, опаларимга инсоф қирирман-кан? Мени энг чўчатадиган, кўнглимни вайрон қиладиган жойи, шунча тўйларга айтишни лозим кўрмаган опаларим эрта бир кун онамга бир нарса бўлиб қолса айтмасам, мен гафлатда қолсам нима бўлади, деб кўркаман.

Бу гапларни ёзишдан мақсадим, бировни айблаш ёки пулдан қочиш эмас. Пул ҳам топиларкан, мана ҳамма қарзларимдан қутулдим. "Оила ва жамият" газетаси менинг яқин сирдошим, уни ўқиб дардларим енгиллашгандай, юрагим бир оз таскин топади. Истагим, опаларим мени ёзганимни ўқиб, қай аҳволда қолганимни билишиб, инсофга келишса... Зора, юраклариде меҳр уруғи унса... Ахир, бу беш кунлик дунёда ҳаммамиз ҳам меҳмонимиз-ку. Бу фаволи дунёда меҳрни, диёнатни яқинларимдан топамагач, ўзганики менга қандай татийди? Турмушдан-ку, омадим чопмаган эди, аммо яқинларим-опаларимнинг ҳам мени тушунишмаётганидан қўйналиб кетаман, айтинг мен нажотни кимдан кутай яхшилар? Дилим сирдоши қоғоз, дардимни унга тўқаман:

- Кўп савдолар тушди мени бошимга,*
- Келиб ҳол сўрмайди ҳеч ким қошимга.*
- Тошлар эриб кетар қоққан ёшимга,*
- Тошдан қаттиқ бўлар экан бу бардош.*
- Худо ёрдан сиқди, тахтли бўлмадим,*
- Битта одам билан даврон сурмадим.*
- Нетай дўстлар ахир бахтли бўлмадим,*
- Тошдан қаттиқ бўлар экан бу бардош.*
- Қирқни ҳам қоралаб бормоқда-ку, ёш*
- Йўқлаб борсанг, "кекелин" демас қариндошим.*
- Чида ҳаммасига,*
- чида қариб бош,*
- Тошдан қаттиқ бўлар экан бу бардош.*



ТОШДАН ҚАТТИК ЭКАН БУ БАРДОШ

ЙИГИТЛАР РАҚСИ ЖОЗИБАСИ

мизда намоёиш этган рақсларимизни кўриб "яшавор ўзбек йигити" деган хитобларни эшитганимда дилим яйраб кетади. Бизнинг айни мақсадимиз ҳам ўзбек санъатини дунёга танитиш.

- Санъаткор бўлиш учун биргина истеъдодни ўзи камлик қилса керак?

Эркин: Албатта. Рақс аввало кишидан кучли, аммо нозик ҳаракатларни талаб қилади. Тинимсиз машқ қилмасангиз бутун умр топган меҳнатингиз елга совурилади, танангиз ўзингизга бўйсунмай қолиши мумкин.

- Халқимиз санъатни севади, санъаткорларни қадрлайди. Аммо ўзининг фарзанди санъаткор бўламан деса "Ўзбекчиликка тўғри келмайди", - деган фикрларни билдириш ади. Санъатга бундай қарашнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

Эркин: Санъатни ҳар қил ҳар хил тушунади. Яъни бу кўпроқ инсоннинг ички маданиятига боғлиқ. Афсуски "гуруч курмаксиз" бўлмаганидек, санъатни фақатгина тирриқчилик манбаига айлантириб олган санъаткорлар ҳам орамизда йўқ эмас.

- Кўча-кўйда кетаётганингизда баъзи бир одамларни "уйинчи" деб қарашларига қандай қарайсиз?

Эркин: Бундан ўй йиллар илгари худди мана шундай ноўрин гап учун рақсини ташлаб, кетиб савдо билан шуғулландим. Чўнтагим тўла пул, ишларим бешу, биласизми ҳаётимдан кўнглим тўқ эмас. Назаримда юрагим негадир ўзимга бўйсунгани келмаётганга ўхшайди. Барибир инсон кўнглининг гапига кириши, қандай хоҳласа шундай яшаши зарур экан.

- Узукун машқ, тиним-

сиз концертлар, бу ёқда тирриқчилик.

Ака-укалар менинг бу саволимга кулиб юборишди.

- Ҳар замон кўлдан келганча бозорга аралашиб турамиз. Ахир халқимиз "отанг бозор, онанг бозор" деб бежиз айтмаган-деб жавоб берди Эркин.

- Турмуш ўртоғларинг иқтисодчи бўлса керак?

Эркин: Йўқ-э, ҳар иккала овсин ҳам "Ўзбекистон" рақс гуруҳида раққоса.

- Баъзан палончининг хотини "ўткир" экан. Оила-сида ҳукмронмиш деган гаплар ҳам қулоғимизга чалиниб қолади. Оилада аёл кишининг ҳукмронлик қилишига қандай қарайсиз?

Эркин: Тўғри одамлар бир нарсани билмай гапирмайди. Оилада ҳам, кўча-кўйда ҳам ўзининг обрў эътиборини билган эркак подшоҳликни, оила тизгинини аёлга бериб қўймайди. Аёлга отанинг ўрнида ўтириш, қаттиққўллик эмас, кўпроқ соддалик, нозиклик ярашади. Ана ўша соддалик бизни ўзларига мафтун этади, ипсиз боғлайди.

Ўткир: Оддийгина мисол. Ёшлигимизда акам иккалаимиз тўполон қилиб ўйни бошимизга кўтарсак, онам "отанг келаяпти" дейишлари билан жим қолардик. Отамдан кўрқганимиздан эмас, қандайдир бир куч, ҳурмат бизни бўйсундирга мажбур қиларди.

Сўхбатимиз шу ерга етганида икки ака-уканинг суянган устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин ака Шерматов келиб қолди. Пайтдан фойдаланиб мен уни ҳам сўхбатга тортдим.

- Нарзиддин ака, "Йигитлар рақси"нинг пайдо бўлиши кўпроқ қайси даврларга бориб тақалади?

Бунинг тарихи жуда узок. Амир Темури ҳукмронлик қилган пайтларда халқ сайилларида йигитлар давраларда қиличбозлик ўйини билан шуғулланишган. Агар эътибор берган бўлсангиз улар бундай кўринишларни нозик рақс орқали ижро этишган. Кейинроқ қиличлар, ўрнини лаган, кўза, кетмон ва бошқа асбоб-ускуналар эгаллаб олди. Демак, ушбу санъат тури кўпроқ Темурийлар даврида шаклланган десак ҳам бўлаверди.

- Нима учун бизда йигитлар рақси ривожланмай қолди?


- Биласизми синглим аёлларимиз шу даражада илғорлашиб кетишдики, белларига белбоғ, бошларига дўппи, оёқларига этик кийишиб, саҳнада йигитлар рақсини ижро эта бошлашди. Улар бу рақсларни шундай маромига етказиб ўйнашдики, натижада унчамунча қизиқиб юрган йигитлар ҳам саҳнадан пастда қолиб кетаверди. Шундан кейин йигитлар рақсига эътиборсизлик бошланди. Ундан ташқари кўпгина балетмейстрларимиз ҳам ушбу санъат тури билан шуғулланишни хоҳлашмайди. Ҳозирги кунда мен ўзим ижро этган яққа рақсларни оммавийлаштириб йигитларга ўргатаяман.

- Гуруҳингизда нечта йигит бор?

- Ҳозирча ўн та. Насиб қилса уларни сонини кенгайтиришмоқчимиз.

- Биз ҳам сиз бошлаган хайрли ишга омад тилаб, Эркин, Ўткир каби йигитлар сафи кенгайишини ўзбек "Йигитлар рақси" қанот ёйишини тилаб қоламиз.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА сўхбатлашди.



Суратда: Эркин ва Ўткир Қаҳҳоровлар

А. Мавлонов олган сурат

Бир дугонамга миллатни дунёга танитадиган, инсонни қайғудан, ғамдан озод этувчи, уни эркин ҳаёллар сари бошловчи нарса нима?, - деб савол бердим.

- У санъат деб жавоб берди. Мен инсон қалбига ором бағишловчи ана ўша сеҳр ҳақида санъаткорларнинг ўзларидан эшитгим келди.

Танишинг, Эркин ва Ўткир Қаҳҳоровлар. Эркин 30, Ўткир 28 ёшда. Ака-укаларнинг иккиси ҳам оилали. Эркиннинг иккита ўғли, Ўткирни битта қизчаси бор. Буларни бир қарашда қайси бири ака-ю, қайсиниси укаси эканлигини ажратиб олиш қийин. Ҳар иккиси ҳам ҳаракатчан, устозлари Нарзиддин ақанинг фикрича "ғайратли" йигитлар. Ҳозирги кунда бу икки ака-ука Мукаррама Турғунбоева номли ўзбек миллий рақс бирлашмасига қарашли "Зарафшон" дастаси қошидаги "Йигитлар" гуруҳида рақсга тушишади. Улар билан ўтказган сўхбатимиз ҳам бугунги кунда тобора сийраклашиб бораётган "Йигитлар" рақси хусусида бўлди.

- Эркин, Ўткир аввало сизларни ўша олис Кува шаҳридан пойтахтга ке-

либ ушбу санъат билан шуғулланишга нима мажбур қилди?


Эркин: Ёшлигимда мактабда янги йил кечаси бўлса онам тиқиб берган тўн билан кичкина этикчани кийиб олиб ўртоқларим билан арча атрофида "андижон полкаси"га рақсга тушардик. Кейинчалик бу хавас мақсадга айланиб, 10 ёшимда Тошкентдаги Хореографик билим юртига ўқишга кирдим.

Сизку Кува шаҳрида биринчилардан бўлиб ушбу санъат турини танлаб йўлга отланибсиз. Ўткирни нима мажбур қилди?

Ўткир: Биз акам билан болалигимиздан бир кўрпада ётиб, бир хил кийим кийиб катта бўлганимиз. Мен ёшлигимда ҳечам акамдан ажралмасдим. Қаерга борса "менам бораман деб" эргашиб юрардим. Акам Тошкентга келиб қолгач қаноти қайрилган кушга ўхшаб қолдим. Шундан кейин ўйлаб ўтирмасдан мен ҳам Тошкентга жўнаб юбордим.

- Ушанда қилган тантаниқларингиз учун ҳозир афсусланмайсизми?

Ўткир: Йўқ, Нимага энди афсусланади. Касбимни яхши кўраман. Чет элга боргани-



БОШ ҚОТИРМА

БҲЙИГА: 1 - Тўртта ошиқ ташлаб ўйналади-ган ўйин
2 - Кунботар
3 - Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тури
4 - Ёрдамга чақириш нидоси
7 - Қўнғизнинг тухумидан чиққан курти
10 - Қўкрак ёрдамида сузши усули
11 - Республикада чиқадиған рўзнома
13 - Синган идишларни таъмирлаб бутун қилувчи шахс.
14 - Қимматбаҳо тош
17 - 14-аср ўзбек дунёвий адабиёти نامояндаси
18 - Оқ бўлмаган, одми кийим ёки мато.

ЭНИГА: 5 - Пул бўлса шўрва бўлиши мумкин бўлган жой
6 - Сувсиз чўл, сахро
8 - Италия шоири ва файласуфи.
9 - Юрак, дил.
11 - Тутун, туман ва чангдан иборат зарралар тўплами
12 - Ниҳоят даражада озган одам
15 - Юнон мифологиясида олий худо
16 - Велосипед мусобақаси ўтказиладиған спорт иншооти
17 - Ошхона анжоми
19 - Ошиқ ўйинларидан бир тури
20 - Қўй сўтидан тайёрланган сир.

Тузувчи Тожиали УМАРОВ

Билд Жамияти

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтирилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ «Матбуот таркатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - (яққа обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177)

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
30010 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда.
Рассом — Н.ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Н.Йўлдошева.